

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ ГВАРДИЯСИ
ҲАРБИЙ-ТЕХНИК ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.32.30.12.2019.Үи/74.01. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ ГВАРДИЯСИ
ҲАРБИЙ-ТЕХНИК ИНСТИТУТИ**

ЮЛДАШОВ АБДУМУМИН АБДУГОПИРОВИЧ

**МУАЛЛИФЛИК ҲУҚУҚИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШНИНГ
ШАРТНОМАВИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ**

**12.00.03 – Фуқаролик ҳуқуқи. Тадбиркорлик ҳуқуқи.
Оила ҳуқуқи. Халқаро хусусий ҳуқуқ**

**юримдик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Докторлик диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской диссертации

Content of the abstract of the doctoral dissertation

Юлдашов Абдумумин Абдугопирович

Муаллифлик ҳуқуқини муҳофаза қилишнинг

шартномавий-ҳуқуқий асослари.....

Юлдашов Абдумумин Абдугопирович

Договорно-правовые основы охраны

авторского права.....

Yuldashov Abdumumin Abdugopirovich

Contractual and legal basis of copyright

protection.....

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ ГВАРДИЯСИ
ҲАРБИЙ-ТЕХНИК ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.32.30.12.2019.Yu/74.01. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ ГВАРДИЯСИ
ҲАРБИЙ-ТЕХНИК ИНСТИТУТИ**

ЮЛДАШОВ АБДУМУМИН АБДУГОПИРОВИЧ

**МУАЛЛИФЛИК ҲУҚУҚИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШНИНГ
ШАРТНОМАВИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ**

**12.00.03 – Фуқаролик ҳуқуқи. Тадбиркорлик ҳуқуқи.
Оила ҳуқуқи. Халқаро хусусий ҳуқуқ**

**юримдик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.1.PhD/Уу246 рақам билан рўйхатга олинган.

Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) «ZiyoNET» таълим ахборот тармоғида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Тошев Бобокул Норқобилович
юридик фанлар доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Насриев Илхом Исмоилович
юридик фанлар доктори, профессор

Топилдиев Воҳиджон Раҳимжанович
юридик фанлар номзоди, профессор

Етакчи ташкилот:

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети

Диссертация химояси Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.32.30.12.2019.Уу/74.01 рақамли Илмий кенгаш асосидаги Бир марталик илмий кенгашнинг 2020 йил 10.12. соат 14.30 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100109, Тошкент вил., Зангиота тумани, Чорсу кўрғони. Тел.: (99871) 230-32-71; факс: (998971) 230-32-50; e-mail: mg-hti@umail.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин 19.02 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100109, Тошкент вил., Зангиота тумани, Чорсу кўрғони. Тел.: (99871) 230-32-71; факс: (998971) 230-32-50.

Диссертация автореферати 2020 йил 2 12 тарқатилди
(2020 йил 2 12 11 рақамли реестр баённомаси)



М.Х. Рустамбаев
Илмий даражалар берувчи Бир марталик илмий кенгаш раиси, юридик фанлар доктори, профессор

М.Т. Ахмедова
Илмий даражалар берувчи Бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, юридик фанлар доктори, доцент

М.Б. Усмонов
Илмий даражалар берувчи Бир марталик илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, юридик фанлар доктори, профессор

КИРИШ (Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон миқёсида интеллектуал мулк, жумладан, муаллифлик ҳуқуқи муҳофазасини таъминлаш ва унинг химояланганлик даражасини кучайтириш иқтисодий тараққиёт ҳамда мамлакатни инвестицион жозибadorлигини оширишнинг муҳим кафолатларидан саналади. Шу боисдан ҳам кейинги йилларда барча давлатларда муаллифлик ҳуқуқини химоя қилиш борасида кенг қамровли ислохотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, бу ижодкорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш ҳамда муаллифлик ҳақини адолатли тартибда тўланишига эришиш, асарлардан рухсатсиз фойдаланиш, уларнинг ўзлаштирилиши олдини олиш ва бундай ҳолатларга нисбатан тегишли жавобгарлик чораларини кучайтириш ҳамда интернет тармоғида муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар муҳофазасини таъминлаш заруратининг кучайиб бораётганлигидан далолат беради.

Дунёнинг ривожланган мамлакатлари иқтисодиётида муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар катта даромад келтирувчи соҳага айланиб улгурган. Шундан келиб чиқиб, ҳозирги кунда муаллифлик ҳуқуқини муҳофаза қилишнинг замонавий ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш соҳасида илмий тадқиқот ишлари амалга оширилмоқда. Бу борада, айниқса, муаллифлик ҳуқуқини муҳофаза қилишнинг шартномавий-ҳуқуқий асослари ва механизмларини такомиллаштириш, асарлардан фойдаланишда «муаллифлик шартномаси» институтини кенг жорий этиш, тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини қатъий белгилаш, шунингдек халқаро ва миллий миқёсида муаллифлар мулкӣ ҳуқуқларини бошқаришда қўлланадиган турли восита ҳамда усулларини такомиллаштиришнинг илмий-назарий ва амалий ечимларини топиш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси томонидан 2018-2019 йилларда муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар соҳасидаги бир қатор халқаро шартномалар ратификация қилинганлиги бу борада амалга оширилаётган ислохотлардан дарак беради. Бугунги кунда муаллифлик ҳуқуқини муҳофаза қилишда бир қанча услуб ва механизмлар мавжуд бўлиб, муаллифлик шартномаси бу йўналишни тартибга солувчи асосий ҳуқуқий восита ҳисобланади. Бироқ республикамизда ўз ечимини кутиб турган қатор масалалар мавжуд бўлиб, муаллифлик-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш, хусусан унинг муҳофазасида муаллифлик шартномаси билан боғлиқ жараёнларни тадқиқ этиш долзарб вазифа ҳисобланади. Шу сабабли ҳам муаллифлик шартномасининг шакли, элементлари, уни тузиш тартиби, муаллифлик шартномаси турлари ва уларнинг бир-биридан фарқи, шартнома орқали мутлақ ҳуқуқларни учинчи шахсларга ўтказишнинг моҳияти ва тартиблари, шартномага кўра муаллиф ҳамда ҳуқуқ эгаларига ҳақ тўлаш механизмларини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси (1996), «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги (2006), «Электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларининг ҳуқуқий ҳимояси тўғрисида»ги қонунлари (1994), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 26 майдаги «Маданият ва санъат соҳасининг жамият ҳаётидаги ўрни ва таъсирини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–6000-сон, 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ–4947-сон Фармонлари, 2017 йил 14 августдаги «Маданият ва санъат ташкилотлари, ижодий уюшмалар ва оммавий ахборот воситалари фаолиятини янада ривожлантириш, соҳа ходимлари меҳнатини рағбатлантириш бўйича қўшимча шароитлар яратишга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–3201-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 20 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлиги тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 609-сон қарори ва соҳага оид бошқа қонун ҳужжатларининг амалга оширилишида ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ҳамда маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни такомиллаштириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Муаллифлик ҳуқуқи асослари, ҳуқуқларни муҳофаза қилиш билан боғлиқ жиҳатлар мамлакатимиз цивилист олимлардан Б.Н.Тошев, О.Оқюлов, И.И.Насриев, Н.Ф.Имомов, Г.А.Худайбердиева, З.С.Акрамходжаева, Қ.М.Меҳмонов каби олимлар тарафидан илмий таҳлил этилган¹.

Мазкур соҳада МДҲ давлатлари олимларидан Е.А.Моргунова, И.А.Близнец, В.М.Мельников, Л.Г.Кравец, Д.Липчик, С.А.Чернышева, А.П.Сергеев, Э.П.Гаврилов, К.Б.Леонтьев, Н.И.Федоскина, Ю.Толчёнова, Р.Ш.Рахматулина, В.В.Каминский, С.А.Барышев ва бошқалар илмий изланишлар олиб борган.

Хорижлик олимлардан эса Kenneth D. Crews (Кэнет Д. Кревз), Gaetano Dimita (Гаэтано Димита), Uma Suthersanen (Ума Сузерсазен), Noam Shemtov (Ноам Шемтов), Zohar Efroni (Зохар Эфрони), Jonathan Griffiths (Джонатан Гриффитс) ва бошқа олимлар муаллифлик ҳуқуқини турли йўналишларини умумий асосларда тадқиқ этган.

Бироқ юқоридаги олимларнинг ишлари асосан муаллифлик ҳуқуқининг умумий ва бошқа жиҳатлари билан боғлиқ бўлиб, муаллифлик шартномаси билан боғлиқ жиҳатлари умумий асосларда ўрганилган. Шу сабабли муаллифлик ҳуқуқини муҳофаза қилишнинг шартномавий-ҳуқуқий асосларини тадқиқ қилиш долзарб ҳисобланади.

¹ Ушбу ва бошқа олимларнинг илмий ишлари диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ тизимидаги ислохотлар асосида қонунчилик нормаларини такомиллаштириш» мавзусидаги илмий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистон Республикасида муаллифлик ҳуқуқини муҳофаза қилишнинг шартномавий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш ва ҳуқуқни қўллаш амалиётининг самарадорлигини оширишга қаратилган илмий-амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

муаллифлик ҳуқуқини муҳофаза қилишнинг тарихий-ҳуқуқий жиҳатларини хорижий ва миллий тажриба асосида ёритиб бериш;

муаллифлик ҳуқуқини муҳофаза қилишнинг шартномавий-ҳуқуқий асосларининг хусусиятларини таҳлил қилиш;

муаллифлар мулкӣ ҳуқуқларини бошқаришда қўлланадиган восита ва усулларни тадқиқ қилиш;

муаллифлик шартномасининг таснифи, ўзига хос хусусиятлари ҳамда лицензия ва буюртма шартномасининг қўлланишини таҳлил этиш;

муаллифлик шартномасида тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ёритиб бериш;

муаллифлик ҳуқуқини шартномавий-ҳуқуқий муҳофаза қилишни кучайтиришга оид қонунчиликни такомиллаштириш истиқболларини белгилаш;

муаллифлик ҳуқуқини муҳофаза қилишнинг шартномавий-ҳуқуқий базасини ривожлантиришга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти Ўзбекистон Республикасида муаллифлик ҳуқуқини муҳофаза қилишнинг шартномавий-ҳуқуқий асослари билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предметини муаллифлик ҳуқуқи муҳофазасининг шартномавий-ҳуқуқий асосларини тартибга солувчи қонунчилик нормалари ҳамда муаллифлик ҳуқуқини шартномавий-ҳуқуқий муҳофаза қилиш бўйича ваколатли органларнинг фаолияти ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотни олиб боришда тарихий ва тизимли усул, анализ ва синтез усули, қиёсий-ҳуқуқий ва таҳлил қилиш усули, норматив-ҳуқуқий ва амалий таҳлил усули, умумлаштириш, мантиқийлик, таҳлил қилиш методи асосида расмий ҳужжатлар ва маълумотларни тизимли ўрганиш ҳамда хорижий қиёсий таҳлил каби усуллар қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

интеллектуал мулк соҳасидаги низоларни кўрувчи Апелляция кенгашида ҳолисликни таъминлаш мақсадида Адлия вазирлиги ва Интеллектуал мулк агентлигининг Апелляция кенгаши таркибидаги ходимлари сони Апелляция

кенгаши умумий аъзолари сонининг ўттиз фоизидан ошмаслиги кераклиги асослантирилган;

интеллектуал мулк объектларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш билан боғлиқ низоларни судгача кўриб чиқувчи коллегиял органи сифатида Апелляция кенгашининг мажлислари, агар уларнинг ишида Апелляция кенгаши аъзоларининг умумий сонининг учдан икки қисми иштирок этса, ваколатли ҳисобланишини белгилаш асослантирилган;

янгидан вужудга келган юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказиш санасида аудиовизуал асарларни, фонограммалар ва ЭҲМ учун яратилган дастурларни такрорлаш, шунингдек фонограммаларни тайёрлаш бўйича фаолият турларини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган лицензиатлар қўшиб юборилган тақдирда, белгиланган тартибда лицензияни қайта расмийлаштиришга йўл қўйилиши асослаб берилган;

аудиовизуал асарлар, фонограммалар ва ЭҲМ учун яратилган дастурларни такрорлаш, шунингдек фонограммаларни тайёрлаш фаолият турига берилган лицензиянинг амал қилиши лицензияланадиган фаолият турининг бир қисми (қисмлари) учун тўхтатилган тақдирда, лицензия қайта расмийлаштирилиши лозимлиги асослантирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилар иборат:

муаллифлик ҳуқуқида шартномавий-ҳуқуқий муносабатларнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш ҳамда ушбу соҳадаги қонун ҳужжатларининг ўзаро мувофиқлиги ва боғлиқлигини таъминлаш асослантирилган;

мулк ҳуқуқларни жамоавий асосда бошқарувчи ташкилотлар фаолияти механизмлари ва ташкилий-ҳуқуқий тузилишини ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибаси асосида ташкил этиш лозимлиги исботланган;

муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар объектларидан ноқонуний фойдаланганлик учун жавобгарлик чорасини кучайтириш ҳамда соҳадаги қонун ҳужжатларини Жаҳон савдо ташкилотининг Интеллектуал мулк ҳуқуқининг савдо жиҳатлари бўйича битими (TRIPS) нормаларига уйғунлаштириш шартлилиги асосланган;

муаллифлар ва уларнинг меросхўрларини ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини таъминлаш, соҳадаги ҳуқуқбузарликларини камайтириш чораларини кўриш, қолаверса ушбу йўналишдаги давлат бошқарувини халқаро стандартлар асосида ташкил этишнинг муҳимлиги асослантирилган;

ижодкорларнинг муаллифлик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, мулк шаклидан қатъи назар, барча оммавий ахборот воситалари, жумладан электрон ОАВ, нашриётлар томонидан муаллифлик ҳақи (гонорари) тўлашни қонуний асосда таъминланиши асослаб берилган

муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар соҳасидаги давлат бошқаруви органлари, хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар соҳасидаги махсус ваколатли давлат бошқаруви органларининг муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар соҳасидаги ваколатларини белгилаш лозимлиги асосланган;

асарлардан ёки турдош ҳуқуқлар объектларидан қонунга ҳилоф равишда фойдаланиш, худди шунингдек асарларнинг ёки турдош ҳуқуқлар объектларининг контрафакт нусхаларини такрорлаш, тарқатиш, барчанинг эътиборига етказиш ёхуд асарларнинг ёки турдош ҳуқуқлар объектларининг нусхаларида уларнинг тайёрловчилари ҳақида, уларни ишлаб чиқариш жойлари тўғрисида, муаллифлик ҳуқуқининг ва турдош ҳуқуқларнинг эгалари ҳақида ёлғон ахборотни кўрсатиш, худди шунингдек муаллифлик ҳуқуқини ва турдош ҳуқуқларни бошқача тарзда бузиш кўп миқдорда зарар етказилишига сабаб бўлса, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса жиноий жавобгарлик белгилаш лозимлиги илмий-амалий асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган усуллар, унинг доирасида фойдаланилган назарий ёндашувлар расмий манбалардан олингани, халқаро тажриба ва миллий қонун ҳужжатларининг ўзаро таҳлил қилингани, ҳулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Диссертация ишининг илмий аҳамияти муаллифлик ҳуқуқи муҳофазасида шартномавий-ҳуқуқий муносабатларнинг бугунги кундаги жараёнини, муаллифлар мулкӣ ҳуқуқларини бошқаришда қўлланадиган восита ва усулларни ўрганишда, муаллифлик ҳуқуқи ривожининг ҳозирги замон тенденцияларини инобатга олган ҳолда талаба ва изланувчиларнинг билим ҳамда кўникмаларини оширишга қаратилган ва муаллифлик ҳуқуқи муҳофазасини таъминлаш билан боғлиқ ўқув машғулотлари доирасида фойдаланишда ҳамда муаллифлик ҳуқуқи муаммолари юзасидан янги илмий тадқиқотлар олиб боришда намоён бўлади.

Шунингдек, тадқиқот натижаларидан Ўзбекистон Республикасининг интеллектуал мулк соҳасидаги қонунчилигини такомиллаштиришда, «Интеллектуал мулк ҳуқуқи», «Патент ҳуқуқи» ва «Халқаро интеллектуал мулк ҳуқуқи» фанларини ўқитишда ва ушбу фанлар бўйича ёзиладиган дарсликлар ҳамда ўқув қўлланмаларини яратишда ҳамда маъруза матнларини, ўқув курсларининг дастурларини тузишда, илмий-тадқиқот ишларида ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини оширишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Муаллифлик ҳуқуқини муҳофаза қилишнинг шартномавий-ҳуқуқий асослари бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари асосида:

интеллектуал мулк соҳасидаги низоларни кўрувчи Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Апелляция кенгашининг Апелляциялар ва аризаларни кўриб чиқиш тартибига оид таклифлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 9 октябрдаги 856-сон қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Апелляция кенгаши тўғрисида»ги Низомнинг 8-банди ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг 2019 йил 30 октябрдаги 494-мх-сон буйруғи билан

тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Апелляция кенгашига апелляциялар ва Ўзбекистон Республикасида ҳаммага маълум товар белгилари деб эътироф этиш тўғрисидаги аризаларни бериш ва уларни кўриб чиқиш Қоидалари» (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 30 октябрда рўйхатдан ўтказилган, рўйхат рақами 3190)нинг 23-бандида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлигининг 2020 йил 13 октябрдаги № 03-14/1553-1-сон далолатномаси). Ушбу таклифнинг жорий қилиниши Апелляция кенгаши фаолиятида ишларни ҳолисона тарзда кўриш ва интеллектуал мулк соҳасидаги низоларни адолатли ҳал қилиш механизмларини ташкил этишга хизмат қилган;

Апелляция кенгаши фаолиятини ташкил этиш тартибига оид таклифлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 9 октябрдаги 856-сон қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Апелляция кенгаши тўғрисида»ги Низомнинг 13-бандида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлигининг 2020 йил 13 октябрдаги № 03-14/1553-1-сон далолатномаси). Ушбу таклифнинг жорий қилиниши Апелляция кенгаши ишини самарали ташкил этиш ҳамда Апелляция кенгаши томонидан қабул қилинадиган қарорларнинг адолатли ва ишончли тарзда қабул қилиш механизмини жорий этишга хизмат қилган;

аудиовизуал асарларни, фонограммалар ва ЭҲМ учун яратилган дастурларни такрорлаш ҳамда фонограммаларни тайёрлаш бўйича фаолият турларини лицензиялаш тартибига доир таклифлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 15 мартдаги 72-сон қарори билан тасдиқланган «Аудиовизуал асарларни, фонограммалар ва ЭҲМ учун яратилган дастурларни такрорлаш, сотиш, прокатга бериш, шунингдек фонограммаларни тайёрлаш бўйича фаолият турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Низомнинг 35-банди 2-хатбошида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлигининг 2020 йил 9 июлдаги № 03-14/1058-сон далолатномаси). Ушбу таклифнинг жорий қилиниши муаллифлик ва турдош ҳуқуқлар соҳасидаги субъектлар фаолиятини лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини янада яхшилашга хизмат қилган;

фонограммаларни тайёрлаш ва аудиовизуал асарлар, фонограммалар ва ЭҲМ учун яратилган дастурларни такрорлаш фаолият турига берилган лицензиянинг қайта расмийлаштиришга оид таклифлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 15 мартдаги 72-сон қарори билан тасдиқланган «Аудиовизуал асарларни, фонограммалар ва ЭҲМ учун яратилган дастурларни такрорлаш, сотиш, прокатга бериш, шунингдек фонограммаларни тайёрлаш бўйича фаолият турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Низомнинг 35-банди 3-хатбошида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлигининг 2020 йил 9 июлдаги № 03-14/1058-сон далолатномаси). Ушбу таклифнинг

жорий қилиниши муаллифлик ҳуқуқини самарали муҳофаза қилишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқотнинг натижалари 5 та жумладан 2 та халқаро, 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш жумладан, 11 та (1 таси хорижда) мақола чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўққизта параграфдан иборат учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 153 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги, диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, жорий қилиниши, апробацияси, натижаларнинг эълон қилинганлиги, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ёритилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Муаллифлик ҳуқуқи муҳофазасини таъминлашнинг умумий тавсифи ва тарихий жиҳатлари”** деб номланади ва унда муаллифлик ҳуқуқини шартномавий-ҳуқуқий муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий асослари ва бу борадаги халқаро ва миллий тажриба, муаллифлик ҳуқуқи муҳофазасида шартномавий-ҳуқуқий муносабатларнинг тутган ўрни ва ушбу муносабатларнинг ўзига хос хусусиятлари, муаллифлик шартномасининг функциялари: унинг ҳуқуқий мақоми, таснифи, турлари ҳамда бу борадаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш, хусусан муаллифлик шартномаларининг таснифи, унинг ўзига хос жиҳатлари, муаллифлик шартномасини интеллектуал мулк тизимида тутган ўрни ва аҳамияти ҳамда мулк ҳуқуқларни жамоавий асосда бошқарувчи ташкилотларнинг муаллифлик ҳуқуқи муҳофазасини таъминлаши билан боғлиқ масалалар таҳлил қилинган.

Муаллифлик ҳуқуқи интеллектуал мулк ҳуқуқининг муҳим таркибий қисми бўлиб, нафақат фуқаролик ҳуқуқи балки, халқаро хусусий ҳуқуқ, халқаро ҳуқуқ орқали муҳофаза қилинадиган ҳуқуқлар мажмуини ҳам қамраб олади. Бозор иқтисодиёти шароитида моддий бойликлар қатори муаллифлик ҳуқуқи объектлари ҳам номоддий актив сифатида алоҳида қийматга эга ва унинг муаллифлари ўзларига тегишли бўлган мутлақ ҳуқуқларни муҳофаза қилинишидан манфаатдордир.

Тадқиқотчи томонидан мазкур бобда муаллифлик ҳуқуқи объектлари муҳофазасини таъминлаш бўйича АҚШ, Буюк Британия, Франция, Туркия каби бир қатор етакчи хорижий мамлакатлар тажрибаси, муаллифлик ҳуқуқини муҳофаза қилишда шартномавий муносабатларнинг тутган ўрни ҳамда ушбу йўналишдаги муаммолар, шунингдек мулкӣ ҳуқуқларни жамоавий асосда бошқарувчи ташкилотлар тушунчаси, уларнинг муаллифлик ҳуқуқи муҳофазаси ва унинг механизмларини ривожлантиришдаги ўрни, Ўзбекистонда ушбу институтнинг ривожланиш тенденциялари ва бугунги кундаги ҳолати каби муҳим масалалар очиб берилган.

Мазкур бобнинг *“Муаллифлик ҳуқуқини муҳофаза қилишнинг тарихий-ҳуқуқий жиҳатлари: хорижий ва миллий тажриба”* номли биринчи параграфда муаллифлик ҳуқуқининг келиб чиқиш тарихи, қонунлар тарихи, муҳофаза қилишнинг тарихий усуллари ҳамда Ўзбекистонда муаллифлик ҳуқуқининг келиб чиқиш тарихи ҳамда шартномавий-ҳуқуқий жараёнларнинг юзага келиши тарихи хусусида сўз боради.

Муаллифлик ҳуқуқи муҳофазасига доир миллий олим ва тадқиқотчиларидан Б.Н.Тошев, О.Оқюлов, И.И.Насриев, Қ.М.Мехмонов, З.С.Акрамходжаева ва И.А.Близнец, Н.И.Федоскина, Э.П.Гаврилов, К.Б.Леонтьев, Kenneth D. Crews, Dimita Gaetano, Zohar Efroni каби хорижий мутахассислар томонидан билдирилган фикр ҳамда нуқтаи назарлар асосида муаллифлик ҳуқуқи муҳофазасини таъминлашнинг ҳуқуқий асослари ҳамда бу борада шартномавий-ҳуқуқий муносабатларнинг тутган ўрнига доир тегишли хулосалар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотчи томонидан диссертацияда келтирилган таҳлиллар натижасида муаллифлик ҳуқуқи билан боғлиқ фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда муаллифлик шартномасининг аҳамиятини ошириш, мазкур институтни муаллифлик ҳуқуқи қонунчилиги механизмларини фаоллаштиришда тутган ўрни билан боғлиқ жиҳатлар ўрганилиб, уларнинг амалий ва назарий жиҳатдан аҳамиятига бўлган муносабати баён қилинган.

Тарихий далилларга кўра, муаллифлик ҳуқуқи тўғрисидаги илк тушунча ва қарашлар қадимги Юнонистон ва Римда пайдо бўлган. Ушбу даврларда сахнада туриб ўқилган трагедия ва комедиялар муаллифлик асарларини ижро этилиши билан муҳофаза этилганлиги далил сифатида келтирилади. Шуниси аҳамиятлики, асарларни ўзлаштириш билан боғлиқ ҳаракатлар ушбу даврларда ҳам жиноят сифатида баҳоланган.

Ушбу бобнинг иккинчи параграфда *“Муаллифлик ҳуқуқини муҳофаза қилишнинг шартномавий-ҳуқуқий асосларининг хусусиятлари”* деб номланиб, унда мутлақ ҳуқуқлар тушунчаси, фуқаролик ҳуқуқий муносабатларда шартноманинг тутган ўрни очиб берилган.

Муаллифлик ҳуқуқи ўзида фан, адабиёт ва санъат асарларидан фойдаланиш соҳасидаги муносабатларни тартибга соладиган фуқаролик-ҳуқуқий нормаларни ифодалайди.

Тадқиқотчининг фикрича, муаллифлик ҳуқуқи объектив ва субъектив жиҳатлардан келиб чиққан ҳолда ўрганилади. Объектив жиҳатдан муаллифлик

ҳуқуқи ўзида ошкор этилган ва ошкор этилмаган адабиёт, фан ва санъат асарларининг яратилиши ва фойдаланиши билан мулкӣ ва шахсий номулкӣ ҳуқуқлар билан боғлиқ муносабатларни тартибга соладиган ҳуқуқий нормаларни ўзида ифодалайди. Субъектив маънода эса адабиёт, фан ва санъат асарлари муаллифига тегишли бўлган мулкӣ ва шахсий номулкӣ ҳуқуқлар мажмуи тушунилади. Муаллифлик ҳуқуқи кенг маънода адабиёт, фан ва санъат асарларининг яратилиши ва фойдаланиши билан боғлиқ бўлган муносабатларни тартибга солувчи фуқаролик ҳуқуқи ва ҳуқуқнинг бошқа турли соҳалар билан боғлиқ нормалар йиғиндиси тушунилади. Олимлар томонидан муаллифлик ҳуқуқининг муҳофазаси сифатида энг кенг тарқалган шакл шартномалар эканлиги таъкидланган. Б.Тошевнинг фикрига кўра, муаллифлик шартномалари фуқаролик битимлари ва шартномаларидан тубдан фарқ қилади, у фақат муаллифлик ҳуқуқининг объектларидан фойдаланиш ёки шу объектларни (асарларни) яратиш билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатларни тартибга солади. Шунингдек, тадқиқотда олимлар (О.Оқюлов, С.Сафоева, У.Ихсанов, В.Кабатов)нинг фикрини таҳлил қилиш натижасида қуйидаги хулосага келинган: “Муаллифлик шартномаси бевосита муаллифнинг мутлақ ҳуқуқлари билан боғлиқ саналиб, унинг негизини мулкӣ ҳуқуқлар ва уларни тасарруф этиш билан боғлиқ муносабатлар ташкил этади. Шунга кўра, муаллифлик ҳуқуқи муҳофазасини таъминлашнинг энг ишончли ва самарали ҳуқуқий воситаларидан бири – бу муаллифлик шартномасидир”.

“Муаллифлар мулкӣ ҳуқуқларини бошқаришда қўлланадиган восита ва усуллар” номли учинчи параграфда эса муаллифларнинг мутлақ ҳуқуқларини бошқаришнинг ўзига хослиги, мулкӣ ва шахсий номулкӣ ҳуқуқлар тўғрисида баён этилган.

Хусусан, замонавий дунёда муаллиф ва ҳуқуқ эгаларининг асарларидан фойдаланганлик учун муаллифлик ҳақларини йиғиш ва тақсимлаш жарёнида мулкӣ ҳуқуқларни жамоавий асосда бошқарувчи ташкилотлар тизими энг самарали восита ҳисобланади. Шу сабабли ушбу институтни Ўзбекистонда янада ривожлантириш зарурати мавжуд.

Диссертациянинг **“Муаллифлик шартномаси орқали муаллифлик ҳуқуқини муҳофаза қилишнинг ўзига хос хусусиятлари”** номли иккинчи бобида соҳадаги энг муҳим институт, яъни муаллифлик шартномаси бўйича фикр-мулоҳазалар билдирилган. Хусусан, унда муаллифлик шартномасининг таснифи, турлари ва унинг ўзига хос хусусиятлари, муаллифлик ҳуқуқини ҳуқуқий муҳофаза қилишда лицензия ва буюртма шартномасининг тутган ўрни, муаллифлик шартномасида тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари билан боғлиқ масалалар тадқиқ қилинган.

“Муаллифлик шартномасининг таснифи, турлари ва ўзига хос хусусиятлари” номли биринчи параграфда шартнома тузишнинг аҳамияти, унинг муаллифлар мутлақ ҳуқуқларини таъминловчи энг муҳим восита эканлиги, бу борадаги олимлар томонидан билдирилган қарашлар, уларнинг мазмуни ҳамда шартнома тузишнинг усуллари баён қилинган.

Хусусан тадқиқотчи томонидан муаллифлик шартномасини тузиш жараёнида Ўзбекистон Республикасининг «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги Қонунининг 39-моддасида назарда тутилган қуйидаги муҳим жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилиши лозимлигини таъкидланади:

- асардан фойдаланиш усуллари (муаллифлик шартномаси асосида ўтказиладиган конкрет ҳуқуқлар таснифи);

- асардан фойдаланишнинг ҳар бир усули учун тўланадиган ҳақ миқдори ва (ёки) тўланадиган ҳақ миқдорини белгилаш тартиби, уни тўлаш тартиби ҳамда муддатлари¹.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 42-моддасига мувофиқ, ҳар кимга илмий ва техникавий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатланишлиги белгиланган². Бугунги кундаги иқтисодий муносабатларда номоддий активларнинг роли ва ўрни ошиб бормоқда. Шу нуқтаи назардан бугунги ҳуқуқий фанлар интеллектуал мулк фаолияти натижаларини (хусусан, муаллифлик ҳуқуқи объектлари) ҳуқуқий тартибга солиш масалаларини фаол тарзда ўрганиб бормоқда. Шунга қўра, муаллифлик шартномаси институтини ҳуқуқий жиҳатдан тадқиқ этиш нафақат назария учун балки амалиёт учун ҳам муҳим.

Тадқиқот ишида олимлар (Б.Тошев, И.Насриев, С.Барышев, Н.Клык)нинг фикрларини таҳлил қилиш асосида муаллифлик шартномаси – бу муаллифлик асарларидан бошқа шахсларнинг фойдаланишини қонуний асосда таъминлайдиган ҳамда муаллифнинг мулкӣ ва шахсий номулкий ҳуқуқлар муҳофазаси ва ҳимоясини таъминлайдиган энг муҳим восита деган хулосага келинди.

Диссертант муаллифлик шартномасини қуйидагича таснифланиши таклиф этилган:

1. Асарнинг тури ва ундан фойдаланиш усулига кўра:

- адабий асарларни яратиш ва улардан фойдаланиш бўйича шартномалар;
- мусиқий асарларни яратиш ва улардан фойдаланиш бўйича шартномалар в б.

2. Асарни тайёрлаш даражасига кўра:

- буюртманинг муаллифлик шартномаси;
- тайёр асар учун муаллифлик шартномаси.

3. Тақдим этилаётган ҳуқуқнинг моҳиятига кўра:

- мутлақ ҳуқуқларни бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги муаллифлик шартномаси;
- номутлақ ҳуқуқларни бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги муаллифлик шартномаси.

4. Асардан фойдаланиш усулига кўра:

- нашриёт муаллифлик шартномаси;
- сценарий муаллифлик шартномаси;

¹ Ўзбекистон Республикасининг «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2013 й., 1-сон, 1-модда, 41-сон, 543-модда.

² Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.09.2019 й., 03/19/563/3685-сон).

- асарни эфир ёки кабель орқали кўрсатув ёхуд эшиттириш беришнинг муаллифлик шартномаси;

- бадий асар буюртмасининг муаллифлик шартномаси и.б.

“Муаллифлик ҳуқуқини муҳофаза қилишда лизенция ва буюртма шартномасининг қўлланиши” номли иккинчи параграфда лицензия (мажбурий) ва буюртма шартномасининг ҳуқуқий табиати, тузиш тартиби ва турларини тадқиқ қилиш ҳақидаги масалалар баён этилган.

Тадқиқотчи бир қатор олимларнинг фикри ҳамда халқаро ва миллий қонунчилик нормаларини таҳлил қилиш натижасида қуйидаги хулосани илгари суради: “Лицензия шартномаси – бу адабий, бадий ва санъат асарининг муаллифи ёки ҳуқуқ эгаси (лицензиар) томонидан ушбу асардан фойдаланишга доир ҳуқуқни бошқа бир шахс (лицензиат)га тақдим этиш”.

Шунингдек, Б.Тошев лицензия шартномалари ўз хусусиятидан келиб чиқиб, ноширлик (босма) асарлари, ёзув ва радиоэшиттиришлар асарлари каби учта турлари мавжудлигини билдирган. Тадқиқотчи ушбу фикрни давом эттирган ҳолда лицензия шартномаси турларига юқоридагилар билан бирга ЭҲМ учун яратилган дастурларидан фойдаланиш учун бериладиган лицензия шартномасини ҳам киритиш бўйича таклифи илгари сурилган.

Диссертант томонидан муаллифлик шартномаси билан боғлиқ миллий ва хорижий мутахассислар томонидан билдирилган фикрлар ўрганилиб, унда томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини аниқ кўрсатилиши, бу жиҳат муаллифлик ҳуқуқининг лицензия ва буюртма шартномаларида ҳам конкрет белгиланиши лозимлиги керак деган хулосага келади.

“Муаллифлик шартномасида тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари” номли учинчи параграфда муаллифлик шартномасининг асосий мазмуни сифатида томонларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, шартномада қатнашувчи тарафлар иштирокининг кўринишига доир масалалар ёритилган.

Диссертациянинг учинчи боби **“Муаллифлик ҳуқуқини шартномавий-ҳуқуқий муҳофаза қилиш соҳасидаги қонунчилик асосларини такомиллаштириш масалалари”** деб номланиб унда муаллифлик ҳуқуқини шартномавий-ҳуқуқий муҳофаза қилишни кучайтиришга оид қонунчиликни такомиллаштириш истиқболлари, муаллифлик ҳуқуқини халқаро доирада муҳофаза қилишда қўлланадиган шартномавий-ҳуқуқий базани ривожлантириш ҳамда соҳага оид халқаро-ҳуқуқий нормаларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш йўллари назарий ва амалий нуқтаи назардан таҳлил этилган.

“Муаллифлик ҳуқуқини шартномавий-ҳуқуқий муҳофаза қилишни кучайтиришга оид қонунчиликни такомиллаштириш истиқболлари” номли биринчи параграфда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев томонидан мамлакатимизда интеллектуал мулк хусусан муаллифлик ҳуқуқи муҳофазаси ва ҳимоясига доир билдирилган фикрлар баёни, уларнинг аҳамияти ҳамда интернет муҳитида муаллифлар ҳуқуқи муҳофазасини таъминлашнинг ўрни, бу борадаги ваколатли органларнинг вазифалари ҳақида сўз боради.

Маълумки, Ўзбекистон 2018 йилга қадар муаллифлик ҳуқуқи соҳасида биргина, «Адабий ва бадиий асарларни муҳофаза қилиш тўғрисидаги Берн конвенцияси»нинг (2004) аъзоси эди¹. Бугунги кунда глобаллашув жараёни тезлик билан тараққий этаётган даврда муаллифлик ҳуқуқини тартибга солиш, хусусан муаллифлар ёки ҳуқуқ эгаларининг мутлақ ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлаш билан боғлиқ муаммолар долзарб аҳамият касб эта бошлади. Шу боисдан бундай ҳолатлар оқибатида пайдо бўладиган ижтимоий муносабатларни тегишли норматив-ҳуқуқий базага таянган ҳолда ўз вақтида тартибга солиш эҳтиёжи юзага келди. Ушбу жиҳатларни инобатга олган ҳолда давлатимиз томонидан юқоридаги масалалар ечимига қаратилган бир қатор ишлар амалга оширилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 24 майдаги «Ўзбекистон Республикаси ва Америка Қўшма Штатлари ўртасидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш ва чуқурлаштириш бўйича чоратадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–3739-сон қарори билан тасдиқланган «Йўл харита»си ҳамда бошқа тегишли ҳужжатларга асосан мамлакатимиз 2018-2019 йилларда «Фонограмма тайёрловчиларнинг манфаатларини уларнинг фонограммаларини ноқонуний такрорланишидан муҳофаза қилиш тўғрисидаги конвенция», «Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилотининг муаллифлик ҳуқуқи бўйича шартномаси» ва «Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилотининг ижролар ва фонограммалар бўйича шартномаси»га қўшилди².

Тадқиқотчи томонидан БИМТнинг юқоридаги «интернет шартномалари»дан келиб чиқиб, интернет тармоғида муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар муҳофазасини таъминлашга қаратилган тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш ҳамда муаллифлик ҳуқуқига доир қонунчиликка шартномавий-ҳуқуқий базани такомиллаштиришга қаратилган қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш зарурлиги билдирилган.

“Муаллифлик ҳуқуқини халқаро доирада муҳофаза қилишда қўлланадиган шартномавий-ҳуқуқий базани ривожлантириш” номли иккинчи параграфда 2018-2019 йилларда Ўзбекистон қўшилган муаллифлик ҳуқуқи йўналишидаги халқаро ҳужжатлардан келиб чиқиб, тегишли мажбуриятларни бажарилишини таъминлаш, муаллифлик ҳуқуқи йўналишидаги шартномавий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, хорижий давлатлар, халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик алоқалари ҳамда муаллифлик ҳуқуқларни жамоавий асосда бошқарувчи ташкилотлар ўрни ҳақида сўз боради.

Тадқиқотчи муаллифлик ҳуқуқини халқаро даражада тартибга солишнинг шартномавий-ҳуқуқий усулларига алоҳида тўхталиб ўтган. Диссертацияда

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2004 йил 27 августдаги «Адабий ва бадиий асарларни муҳофаза қилиш тўғрисидаги Берн Конвенциясига қўшилиш ҳақида»ги 681-II-сон қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 41-сон, 543-модда.

² Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 26 декабрдаги «Фонограмма тайёрловчиларнинг манфаатларини уларнинг фонограммалари ноқонуний такрорланишидан муҳофаза қилиш тўғрисидаги Конвенцияга (Женева, 1971 йил 29 октябрь) Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши ҳақида»ги ЎРҚ–511-сон қонуни // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 27.12.2018 й., 03/18/511/2376-сон; 2019 йил 16 февралдаги «Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилотининг муаллифлик ҳуқуқи бўйича шартномасига (Женева, 1996 йил 20 декабрь) Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши тўғрисида»ги ЎРҚ–520-сон қонуни // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 16.02.2019 й., 03/19/520/2626-сон.

Ўзбекистон ва хорижий давлатлар ўртасидаги икки томонлама шартномалар аҳамияти ҳақида ҳам фикр юритган.

Шунингдек, диссертант халқаро стандартлар асосида муаллифлик ҳуқуқини муҳофаза қилишда шартномавий-ҳуқуқий базани такомиллаштиришга доир қуйидаги таклифларни илгари сурган:

